Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 21 декабрь, № 272 (8615) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

РАҚАМЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигига ташриф буюрди.

Рақамли бошқарув марказида "Ўзбекистон — 2030" стратегиясига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тақдимоти ўтказилди. Маълумки, бу стратегияда мамлакатимизни минтақавий "IT-хаб"га айлантириш мақсади белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳаларни рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимни ривожлантириш каби кўп омилларни талаб этади.

Кейинги йилларда ушбу йўналишларда катта ўзгаришлар бўлди. Ахборот технологиялари субъектлари учун яратилган шароитлар ва имтиёзлар натижасида бундай корхоналар ва иш ўринлари сони, хизматлар экспорти ортиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юртимизда IT компаниялар сони 147 та бўлган бўлса, ҳозирда 1 минг 600 тага етган. Иш ўринлари ҳам қисқа вақтда 10 баравар кўпайиб, 24 мингтадан ошган. 2017 йилда 600 минг АҚШ доллари бўлган экспорт ҳажми жорий йил якуни билан 300 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

"My.gov.uz" ягона портали орқали бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли ва тадбиркорлар 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда.

Ижро интизоми ягона тизими — "ijro.gov.uz" орқали давлат идоралари ва уларнинг қуйи бўғинлари ходимлари томонидан 28 миллионта ҳужжат электрон айирбошланган.

Президентимиз бу тизим раҳбарларнинг онги ва масъулиятини ўзгартирганини таъкидлаб, ҳужжатлар интеграцияси ва сифатини яхшилаш, ижро интизоми назоратини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

2022 йилда БМТнинг "Электрон ҳукумат" рейтингида мамлакатимиз 18 поғона юқорилаб, 69-ўринни эгаллади. 2030 йилга бориб, ушбу рейтингда биринчи ўттизталикка кириш бўйича йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузилмани ва венчур бозорини ривожлантириш, "local to global" тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юртимизда халқаро компанияларнинг офисларини очиш каби кўплаб чоралар кўзда тутилган. Шу мақсадда икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, IT-Park ҳудудида Англия ҳуқуқини жорий этиш, резидентлар учун солиқ имтиёзларини 2040 йилгача узайтириш, умуман, бу соҳага 100 йиллик қулайлик яратиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари мамлакатимизнинг ахборот технологиялари, туризм, инвестиция салоҳиятини мужассамлаштирган яхлит имижини яратиш бўйича кўрсатма берди.

Тақдимотда соҳага ихтисослаштирилган таълим тўғрисида ҳам ахборот берилди. Сўнгги уч йилда IT ўқув марказлари сони 300 дан ошди. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида таълим олиб, сертификатга эга бўлган ёшлар сони 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этди. Ўтган йилдан бошлаб халқаро IT-сертификатларга ўқиш харажатларини 50 фоизгача қоплаб бериш йўлга қўйилди. 215 минг нафар ёш халқаро онлайн курсларни битириб, сертификат олди.

Буларни давом эттирган ҳолда келгуси йилдан бошлаб ҳар йили 5 минг нафар иқтидорли ёшни саралаш, ўқитиш ҳамда халқаро меҳнат бозорига тайёрлаш тизими жорий этилади. Хоразм вилоятида "Ал-Хоразмий ворислари" лойиҳасида ўқитиш бошланади. Умуман, IT соҳасида 300 минг нафар ёшни халқаро компаниялар талабига мос дастурлар асосида тайёрлаш ва иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Шу ерда космик геоахборот тизими орқали сув омборлари ҳамда ер қаридан фойдаланиш ҳолатларини мониторинг қилиш дастури ҳақида маълумот берилди.

Президент вазирликнинг "UZINFOCOM — Ягона интегратор" офисида яратилган шароитларни кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Сизлар ҳозирги ислоҳотларда бизнинг энг ишонган кучимиз. Келажакда сиздек мутахассисларга эҳтиёж янада ошади. Ҳар бир соҳа ва ҳудуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат ривожланмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда сунъий интеллект асосида биометрик идентификация қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш, электр таъминоти биллинги бўйича ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳалар, айниқса, тиббиёт соҳасининг рақамли тизимини такомиллаштириш, одамларни рози қилиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизга Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ташкил этилган "IT Village" ҳақида сўзлаб берилди. Бу мажмуа 1 — 9-синф ўқувчиларини ахборот технологиялари билан таништириш ва бунга қизиқтириш, уларга илк кўникмаларни ўргатишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бундай мажмуаларни барча ҳудудларда барпо этиш бўйича топшириқ берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда алоқа инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

Йил якуни билан соҳада хизматлар ҳажми 10 триллион сўм бўлиши, экспорти эса 300 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида юқори суръатларда ўсди. Сурхондарё вилоятида ҳам илк бор IT хизматлар экспорти йўлга қўйилиб, бир миллион доллардан ошди. Ҳудудларда 20 мингдан ортиқ ёшлар мустақил шуғулланиб, халқаро онлайн платформалар орқали яратган маҳсулотини четга сотган.

Йиғилишда соҳа ривожига қўшимча шароитлар яратилиши белгиланди. Унга кўра:

— IT компаниялари ҳудудлардаги бўш турган биноларга бир йил муддатга бепул жойлаштирилади;

— иқтидорли дастурчиларга бир йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан компьютер ва техникалар берилади;

— 50 дан ортиқ IT мутахассисларни ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи харажатининг 15 фоизгача қисми қоплаб берилади;

— экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб қилиш, халқаро конференцияларда қатнашиш харажатларининг 50 фоизи компенсация қилинади.

Шунингдек, IT-Parkни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун Германия ва Саудия Арабистонида унинг шуъба корхоналари очилади.

Умуман, шундай янги имкониятлар ҳисобига, 2024 йилда IT хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунга эришиш учун, аввало, чет тили ва технологияларни биладиган кадрлар зарур. Шу боис Рақамли технологиялар вазирлигига келгуси йилда 8 минг нафар энг иқтидорли ёшни саралаб, нуфузли халқаро компаниялар талабига мос дастур асосида ўқитиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, келгуси йилдан "Ҳар бир маҳаллада камида икки нафар дастурчи" лойиҳаси бошланиши, АҚШлик ҳамкорлар билан "Инклюзив рақамлаштириш" лойиҳаси доирасида 20 минг аҳоли бандлиги таъминланиши айтилди.

2026 йилда Халқаро информатика олимпиадаси илк бор мамлакатимизда ўтказилади. Бунга тайёргарлик кўриш учун танловлар ўтказилиб, салоҳиятли ўқувчилар танлаб олинади, хориждан малакали мураббийлар жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари рақамлаштириш маҳалладан бошланиши кераклигини таъкидлади.

Ҳозир маҳалла тизими ходимлари планшет ва компьютер билан таъминланган. Лекин улардан тўла фойдаланилмаяпти. Масалан, ёшлар етакчисига субсидия олиш учун мурожаат қилган фуқаро ҳалигача маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ёки бандлик бўлимидан ишсизлик тўғрисида маълумотнома олиб келишга мажбур.

Шу боис мутасаддиларга "Рақамли маҳалла" ягона платформасини ишга туширириш ва "маҳалла еттилиги"ни рақамли тизимлардан фойдаланишга ўқитиш топширилди.

Йиғилишда вазирлик ва тармоқлардаги рақамлаштириш ҳолати таҳлил қилинди. Иқтисодиёт тармоқларида таннархни туширириш фақат ва фақат рақамлаштириш орқали бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Айрим вазирлик ва идораларда рақамлаштириш ишлари сустлиги қайд этилди. Масалан, "Рақамли соғлиқни сақлаш" лойиҳаси, тиббий суғуртани жорий қилиш кечикяпти. Онкологик касалларнинг электрон реестри йўқлиги сабабли уларга нафақалар тўлашда қийинчилик бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида пестицидлар савдоси ва қўлланилиши бўйича рақамли назорат тизими жорий қилингани йўқ. Тошкент шаҳрида аҳоли томонидан ижобий қабул қилинган "Халқ назорати" тизими ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу қолоқликларни тезда бартараф этиш, ҳар бир соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги қатъий кўрсатиб ўтилди.

— Рақамлаштиришга эътибор қилмаган раҳбар коррупцияга қарши курашишга интилмаган дея баҳоланади, — деди Президент.

Соҳа инфратузилмаси, хусусан, интернет тезлигини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди. Айрим ҳудудларда интернет тезлиги пастлиги, халқаро магистраль йўлларнинг 20 фоизи мобиль интернет билан қамраб олинмагани кўрсатиб ўтилди. Келгуси йилда рақамли инфратузилма учун 600 миллион доллар инвестиция жалб қилиниши айтилди.

Шу билан бирга, киберхавфсизликни кучайтириш, барча электрон тўлов тизимлари учун бу борада ягона талабларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Умуман олганда, келгуси йилда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини 20 триллион сўмга, экспортни 800 миллион долларга етказиш, тармоқларда 130 та ахборот тизимини жорий қилиш ва 750 та давлат хизматини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси белгиланди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги долзарб масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва ёш дастурчилар билан мулоқот қилди.

ЎзА.

Эътироф

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Шу йилнинг 19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Резолюция матнини ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича ҳукуматлараро музокаралар жараёни БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтди. Маслаҳатлашувларда дунёнинг барча қитъасидан, жумладан АҚШ, Россия, Хитой, Франция, Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия, Саудия Арабистони, Миср, Аргентина, Бразилия, Мексика каби юздан ортиқ давлатларнинг экспертлари фаол иштирок этди. Улар, шунингдек, матнни ўзига хос мазмун билан тўлдириш ва умумий консенсусга эришиш учун кўплаб таклифларни киритди.

Ҳужжат матнида Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари, жумладан, "Марказий Осиё учун "яшил" кун тартиби" ва унинг минтақада барқарор ривожланишга кўмаклашишдаги роли алоҳида қайд этилган. Резолюцияда БМТга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг Халқаро иқлим форумини 2024 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш ташаббусини ҳам олқишлади.

3

Роберт БЛЮМ:

Ўзбекистон демократик ислоҳотларни амалга ошириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали ривожланиш сари юз тутди

Мамлакатимизнинг Женева шаҳридаги БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси томонидан давлатимиз Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган брифинг ва Роберт Блюмнинг "Ўзбекистон: Марказий Осиё дурдонаси" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда дипломатик корпус, халқаро ва нодавлат ташкилотлар, шунингдек, Швейцария оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифинг қатнашчиларига "Инсон — жамият — давлат" тамойили ҳамда "Инсон қадри учун" ғоясини тарғиб этишни назарда тутувчи Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Анжуманда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова маъруза қилди. У ўз чиқишида янгиланган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини иштирокчиларга батафсил тушунтириб берди.

Конституцияга киритилган ўзгартишлар янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилгани, унда инсон ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий муҳофаза ҳамда иқтисодий фаровонлигини таъминлаш кафолатлари Асосий Қонун даражасида мустаҳкамлангани таъкидланди.

Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳасида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган изчил ислоҳотлар тадбир қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2023 йил 20 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб Сенатнинг қирқ саккизинчи ялпи мажлисида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан кўриб чиқилди.

Муҳокамалар жараёнида 2024 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 5,6-5,8 фоиз миқдорида бўлиши кутилаётганлиги қайд этилди.

Қонунда 2024 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 375,0 триллион сўм миқдорида, харажатлари эса 427,6 триллион сўм миқдорида режалаштирилган ҳолда консолидациялашган бюджет 52,6 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдоридаги тақчиллик билан шакллантирилди.

Таъкидланганидек, Давлат бюджети даромадлари 270,4 триллион сўмни, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олган ҳолда 312,9 триллион сўмни ташкил этди.

Бунда солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилган.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари (бюджетлараро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) тегишинча 55,2 триллион сўм ва 85,8 триллион сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

Кейинги йилда ҳам бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолиниб, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий тадбирлар учун жами Давлат бюджети харажатларининг қарийб 50 фоизи ёки 151,5 триллион сўм йўналтирилади.

Қонунда, асосан, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва барқарор ривожланиш миллий мақсадларида назарда тутилган устувор йўналишлар ва вазифаларга эришиш инобатга олинган.

Муҳокамалар жараёнида сенаторлар бюджет даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Яширин иқтисодий фаолиятни қисқартириш, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш, ажратилган маблағлар натижадорлигини таъминлаш юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Қайд этилганидек, маҳаллий ва импортга белгиланган акциз солиғи ставкаларини тенглаштириш мақсадида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импорти учун ставка 5 фоизга пасайтирилиб, ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошнинг 1 тоннаси учун 2 бараварга пасайтирилмоқда.

Шунингдек, сенаторлар қонунда бюджет даромадлар базасини кенгайтириш, солиқ сиёсатини белгилашда соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва табиатни асрашни рағбатлантиришга эътибор қаратилганлигига алоҳида тўхталдилар.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда 2024 йил учун Давлат бюджети маъқулланиши билан бирга "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мазкур қонунда 2024 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи занжирининг узлуксизлигини таъминлаш, табиий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш, мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилиниши назарда тутилмоқда.

Оғир юк машиналари томонидан республика ва маҳаллий даражадаги йўллардан фойдаланишда уларни яроқсиз ҳолга келтириш оқибатида етказилаётган зарарларни қоплаш мақсадида юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори бўлган юк автотранспорт воситалари ва тиркамаларининг автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатланиши ҳуқуқи учун йиғим жорий этилмоқда.

Бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида солиқ ҳисоботини сақлаш ва солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатлари қисқартирилиб, беш йиллик муддатлар уч йил қилиб белгиланмоқда.

Солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш мақсадида қоғозбозликни бартараф этиш, ортиқча ҳужжатлар талаб қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланишини камайтириш учун солиқ органларининг солиқ тўловчилардан (солиқ агентидан) ҳужжатлар талаб қилиб олиш ваколати бекор қилинмоқда.

Хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар учун бир хил шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, шунингдек, чет давлатларнинг қонунчилигига мувофиқ тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса, у ҳолда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиши белгиланмоқда.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солиқ тўлаши қонунда назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун билан киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ва "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунларида 2024 йил 1 июлдан бошлаб пневматик резина шиналар ва покришкалар ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун утилизация йиғими назарда тутилгани қайд этилди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 21 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

1 Сенаторлар муҳокама давомида қонун тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли саломатлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенаторлар “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунни кўриб чиқди.

Қонун билан илгари тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори 3,0 фоиздан 5,5 фоизга ўзгартирилмоқда.

Шунингдек, юзага келган қўшимча харажатларни қоплаш мақсадида қонунда 2023 йил учун Хукумат номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 миллиард АҚШ долларидан 5,5 миллиард АҚШ долларига ўзгартирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматнинг устувор топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари қўшимча харажатлар ҳисобига оширилмоқда.

Хусусан, 2023 йил 1 январдан янги ташкил этилган Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг йил бошида тасдиқланган харажатлари қўшимча маблағ ажратилиб, ушбу маблағлар болаларни озиқовқат билан таъминлашга, умумий ўрта таълим муассасаларини Финляндия тажрибаси асосидаги янги авлод дарсликлари билан таъминлашга, мактабгача таълим ташкилотлари сони ортиши ҳисобига Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия учун харажат қилиниши кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг йил бошида тасдиқланган харажатларига қўшимча равишда маблағлар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари томонидан етиштирилган ва аҳолига сотилаётган маҳсулотлар учун субсидиялар учун йўналтирилмоқда.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг йил бошида тасдиқланган харажатларига қўшимча равишда маблағ ажратилмоқда ва айрим харажатларни маҳаллий бюджетлар, вазирлик ва идораларга қайта йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, нафақа олувчи оилалар сони 2,1 миллиондан ошганлиги (йил бошида 1,5 миллион бўлган) ҳисобига ижтимоий нафақалар учун харажатларга қўшимча 1 триллион 808 миллиард сўм ажратилмоқда.

Шу билан бирга, давлат ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида кўмир ёқилғисига ўтказиш ва модернизация қилиш билан боғлиқ харажатларга 500 миллиард сўм ажратилмоқда.

Сенаторлар 2023 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонунга киритилаётган барча ўзгартиришлар мамлакатимиздаги долзарб муаммоларни ҳал этишга ва уларни маблағ билан таъминлашга қаратилганлигини қайд этиб, ушбу қонунни маъқуладилар.

Шундан сўнг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун сенаторлар томонидан муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсоннинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини оширишга ҳамда уларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқлаштириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур қонун билан айрим қонун ҳужжатларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш учун жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш тартибини белгилашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, ушбу қонун фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга ҳамда давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш имконияти кенгайтирилиши билан боғлиқ ишларни самарали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди.

Шу билан бирга, маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтириш, мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш зарурати юзага келмоқда.

Шу муносабат билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини фуқаролардан олдиндан ундирмасдан, ушбу божни ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра айбдор тарафдан ундириш тартибини назарда тутувчи, шунингдек, давлат божининг кўрсатилган ставкаси миқдори пасайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторларнинг сўзларига кўра, қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя қилинишини таъминлашга, уларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин Сенатнинг қирқ саккизинчи ялпи мажлисида “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокама қилинди.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши унинг қоидалари бир хил қўлланилиши учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини унга мувофиқлаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва кодексларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари, шунингдек, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортиш асослари аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Кодекс ва қонунлардаги “банкротлик” атамаси ўрнига иқтисодий ночор ҳолатга тушган тадбиркорлик субъектларини молиявий соғломлаштиришни назарда тутувчи “тўловга қобилиятсизлик” атамаси киритилмоқда.

Шунингдек, Жиноят кодексида сохта тўловга қобилиятсизлик, қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш ҳолатлари учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Фуқаролик кодексига жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлигига оид янги норма (261-модда) киритилмоқда. Унга кўра қарздор жисмоний шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қаноатлантиришга ва солиқлар ҳамда йиғимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, суд томонидан тўловга қобилиятсиз, деб топилиши мумкин.

Солиқ кодексига яна бир муҳим ўзгартиш киритилмоқда. Унга кўра юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлар учун тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш жараёнида жорий солиқ тўловларини тўлашни тўхтатиб туриш ва мазкур тартиб-таомил якунлангач солиқ қарзларини олти ой ичида тенг миқдорда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилмоқда.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонун “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси самарали ташкил этилишини таъминлашга, унинг қоидаларини қўллашда турлича талқинлар ва қарама-қаршиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан “Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, архив иши соҳасида зарур инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат органларининг фаолиятида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги механизмларини жорий этиш, кўрсатилаётган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ҳамда нодавлат архивлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурати ҳозир ҳам мавжуд.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунларига фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиққанлик ёки давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи, йиғимлар ёки бошқа тўловлар тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатларининг кўчирма нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги талаб бекор қилинишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан юридик шахсларни Хусусий бандлик агентликларининг реестрига киритиш тартиб-таомили ҳам соддалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунга оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризани рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан кўриб чиқиш муддати 15 кундан 10 кунга камайтирилишини, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунга эса адвокатга гувоҳнома бериш муддати камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

“Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳамда юридик маслаҳатхоналарни қайта рўйхатдан ўтказиш функциялари адлия органларидан Давлат хизматлари марказларига ўтказилмоқда. Бунда рўйхатдан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божлари миқдорлари ҳам камайтирилмоқда.

Шунингдек, боғдорчилик-узумчилик ширкатларини, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳам Давлат хизматлари марказларининг зиммасига юклатилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка гербли гувоҳномаларда давлат герби ва QR-код (матрик штрихли код) тасвири мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб мустаҳкамлаб қўйилишини, жамғариб бориладиган пенсия тизимида 16 ёшга тўлган фуқароларни ҳисобга олиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, адвокатлик бюроларини, адвокатлик фирмаларини ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳамда юридик маслаҳатхоналарни қайта рўйхатдан ўтказиш функциялари адлия органларидан Давлат хизматлари марказларига ўтказилмоқда. Бунда рўйхатдан ўтказганлик учун тўланадиган давлат божлари миқдорлари ҳам камайтирилмоқда.

Шунингдек, боғдорчилик-узумчилик ширкатларини, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳам Давлат хизматлари марказларининг зиммасига юклатилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка гербли гувоҳномаларда давлат герби ва QR-код (матрик штрихли код) тасвири мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб мустаҳкамлаб қўйилишини, жамғариб бориладиган пенсия тизимида 16 ёшга тўлган фуқароларни ҳисобга олиш тартиби жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга эса адвокатга гувоҳнома бериш муддати камайтирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

“Давлат божи

Муносабат

ҚИЗҒИН ИШЧАНЛИК РУҲИДА ЎТДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг қирқ саккизинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ўзининг долзарблиги ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб турди. Шу боис ҳам уларнинг ҳар бири сенаторлар томонидан қизғин муҳокамадан ўтказилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сенаторлар ўз фикрларини билдирди.

Солиқ сиёсати билан боғлиқ қатор янгиликлар кўзда тутилмоқда

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Аёнки, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар турли соҳаларнинг қонунчилик асосларини замон талабига мос такомиллаштиришни олдимизга қўймоқда. Сенаторлар томонидан маъқулланган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу ҳаётий зарурат боис ишлаб чиқилган.

Мазкур қонунда келгуси йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатдошлигини ошириш, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш, қўшилган қиймат солиғи занжирининг узлуксизлигини таъминлаш, табиий бойликлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳамда мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда индексацияланиши назарда тутилмоқда.

Қолаверса, солиқ тўловчиларга енгиллик яратиш учун қоғозбозликни бартараф этиш, ортиқча ҳужжатлар талаб қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланишини камайтириш мақсадида солиқ органларининг солиқ тўловчидан ҳужжатлар сўраш ваколати бекор қилиняпти.

Яна бир муҳим янгилик сифатида ўзини ўзи банд этган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида ёки товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида юз миллион сўмдан ошган кундан эътиборан якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқни тўлаши кўзда тутилаётганини келтириш мумкин.

Умуман, бу қонун солиқ жараёнларидаги муаммоларни бартараф этиш ва пировардида солиқ тўловчилар, яъни халқимиз учун қатор қулайликлар яратишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятлари кенгайтирилади

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси:

— Барча соҳа қаторида суд-ҳуқуқ тизимида ҳам муайян ислоҳотлар олиб борилаётгани ва бу амалда қандай натижалар бераётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш имкониятини кенгайтириш борасидаги қатор саъй-ҳаракатлар бунинг яққол мисолидир.

Ялпи мажлисда маъқулланган “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун бу борадаги ишларга янгича суръат беришга йўналтирилганлиги билан диққатга сазовор.

Бу қонун янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан ўрин олган ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоялаш, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Қолаверса, маъмурий судларга мурожаат этиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тартиб-таомилларини соддалаштиришни ҳаётнинг ўзи талаб этаётганди.

Шу сабабларга кўра ишлаб чиқилган янги қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимояланишини таъминлашга, уларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат этиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯНИ БИР ОВОЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1 Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолиятини кучайтириш зарурияти алоҳида таъкидланган. Шу боис халқаро ҳамжамиятга ушбу фондни фаол қўллаб-қувватлашни давом эттириш тўғрисида мурожаат йўлланган.

Ҳужжатда чўлланиш ва ерларнинг деградациясига қарши курашда инновацион усуллар ва янги технологияларни жорий қилиш муҳимлиги қайд этилган. Жорий йилнинг 13 — 17 ноябрь кунлари Самарқандда БМТнинг Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси ҳамда Қум ва чанг бўронларига қарши кураш бўйича юқори даражадаги йиғилиши Марказий Осиёда илк бор муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қарши олинди.

Резолюцияда Марказий Осиёда иқлим ва экологик таҳдидларга самарали қарши курашиш мақсадида барқарор қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, барқарор туризмни ривожлантириш, “ақлли” шаҳарлар ва барқарор транспортни яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Бош Ассамблея, шунингдек, БМТ тизими, халқаро ва молиявий институтлар, хусусий сектор, инвесторлар ва донорларга Марказий Осиёдаги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ресурсларни сафарбар этиш, салоҳиятни ошириш ва ёрдам кўрсатишни давом эттиришни тавсия қилади.

Резолюцияда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташаббуслари ҳам баён этилган.

Ҳужжат барча Марказий Осиё давлатлари номидан тақдим этилди.

Резолюция ҳаммуаллифлари қаторига Германия, Швейцария, Туркия, Хитой, Сингапур, Венгрия, Вьетнам, Озарбайжон, Арманистон, Малайзия, Индонезия, Миср, Иордания, Парагвай (БМТнинг барча минтақавий гуруҳлари вакилларини қамраб олган) каби давлатлар ҳам кирди.

Резолюция қабул қилингандан сўнг БМТ Ахборот хизмати “БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиёдаги экологик муаммоларга қарши курашиш бўйича резолюцияни қабул қилди” сарлавҳали мақолани эълон қилди.

Унда қайд этилишича, иқлим ўзгариши замонамизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб, барча мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мақола муаллифларининг ёзишича, сентябрь ойида БМТда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим даражага кўтарилганини таъкидлаган. Бу дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. “Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё — Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда”, деб Ўзбекистон Президенти нутқидан иқтибос келтирган БМТ Ахборот хизмати.

БМТ ихтисослаштирилган идоралари вакиллари резолюция бўйича Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади ва республика раҳбарияти ҳамда кўп миллатли халқимизга самимий табрикларини йўллади.

Леанне БЕРНЕЙ,
«БМТ — сув ресурслари» техник маслаҳат механизми дастури раҳбари:

— Биз БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинганини олқишлаймиз. Ушбу муҳим резолюцияда белгиланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш, экотизимларни сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби асосий устувор вазифалар “БМТ — сув ресурслари” дастури мақсадларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бош Ассамблеянинг 78-сессиясидаги нутқида сув ресурслари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганидан хурсандман. Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида олти марта сув муаммосини тилга олди. Бу бизни чуқур руҳлантирди. “БМТ — сув ресурслари” давлатингиз раҳбарининг халқаро ташаббусларини амалга оширишда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қатъий интилишини тасдиқлайман.

Наталья Алонсо КАНО,
БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Европа ва Марказий Осиё минтақавий бошқармаси раҳбари:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича бошқармаси номидан ушбу муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган резолюция ташаббуси учун самимий миннатдорлик билдираман. У Марказий Осиёда экологик муаммоларга қарши курашишда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга кўмаклашишга қаратилган.

Ўзбекистон минтақада табиий офатлар хавфини камайтиришда трансчегаравий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. 2021 йилда Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари фавқулодда вазиятлар вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда илк бор Марказий Осиёда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Минтақавий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон минтақавий форумлардан ташқари, табиий офатларни камайтириш соҳасидаги глобал саъй-ҳаракатларга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Биз Ўзбекистоннинг 2024 йилда Самарқандда Халқаро иқлим форумини муваффақиятли ўтказиши орқали ушбу йўналишдаги фаол ролини давом эттиришига ишонч билдирамиз.

«Дунё» АА.
Нью-Йорк

Роберт БЛЮМ:

Ўзбекистон демократик ислоҳотларни амалга ошириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали ривожланиш сари юз тутди

1 Хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, фуқаролик жамияти институтлари ва сўз эркинлигини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар қайд этилди.

Янгиланган Конституциямизнинг ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган асосий тамойил ва ғоялари БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанглиги эътирофга сазоворлиги айтилди.

Брифинг давомида, шунингдек, Женева Дипломатик доираси президенти Роберт Блюмнинг “Ўзбекистон: Марказий Осиё дурдонаси” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Роберт Блюм швейцариялик таниқли жамоат арбоби ҳисобланади. У маданий-гуманитар ва савдо алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун АҚШ, Италия, Тунис, БАА, Франция каби қатор мамлакатларнинг давлат ва фахрий мукофотлари билан тақдирланган.

Китоб Женевадаги энг қадимги ноширлик уйларидан бири — “Atar Roto Presse SA” томонидан жорий йилда чоп этилди.

1896 йилда очилган “Atar Roto Presse SA” ноширлик уйи Женеванинг босма бренди ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичи уларнинг атроф-муҳитга таъсири нуқтаи назаридан баҳоланади. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу китоб ҳам энг экологик тоза қоғоз ва техникалардан фойдаланган ҳолда босилган.

Роберт Блюм кенг дипломатик жамоатчиликка ўз китобини тақдим этар экан, янги Ўзбекистоннинг сўнгги ривожланиш босқичлари ҳақидаги таассуротлари ва кузатишлари билан ўртоқлашди. Унинг айтишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон халқи ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар уни гўзал ва бой тарихга эга юртимиз ҳақида китоб ёзишга ундаган.

Муаллиф Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшлар ўзининг улкан салоҳияти ва миллат тақдирида иштирок этиш истагини намоён қилиш имкониятига эга бўлганини таъкидлади.

Унинг айтишича, Ўзбекистон бир неча йил ичида демократик ислоҳотларни амалга ошириш, яқин ва узоқ хориж давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали ривожланиш сари юз тутди.

Роберт Блюм, шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг ижроси мамлакатни демократик, адолатли, мустақил, дунёвий ва фаровон давлатга айлантиришига ишонч билдиради.

Тақдимот якунида муаллиф ушбу китоб француз тилида сўзлашувчи оммага Ўзбекистон, унинг бой маданияти ва улкан салоҳияти ҳақида кўпроқ билиб олиш имконини беришини алоҳида қайд этди.

«Дунё» АА.
Женева

Акс садо

ГЛОБАЛ МЕДИА ФОРУМ ЎТКАЗИЛАДИ

19 декабрь куни мамлакатимизда илк бор ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимидаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган ижобий натижалар билан бир қаторда, келгусида бажарилиши белгиланган мақсадларга ҳам тўхталиб ўтди. Коррупция хавфининг минтақавий ва глобал даражадаги таъсирини бартараф этишга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Албатта, ўтган даврда бу борада эришилган натижалар, тўпланган билим ва тажриба, Қатар Давлати каби коррупцияга қарши курашишда юксак натижаларга эришган мамлакатлар билан алоқаларнинг кенгайиб бораётганлиги келгусида ушбу йўналишда янада юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

Шу боис давлатимиз раҳбари ўз маърузасида янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида ҳам катта режа ва вазифалар белгиланганлиги, хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилиши, унда давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилишини айтиб ўтди.

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашдаги минтақавий ва глобал ташаббус ҳамда янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашини, ўзаро тажриба алмашиш ва мулоқотларни кучайтириш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадида Коррупция муаммолари бўйича минтақавий тадқиқот марказини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини кучайтириш орқали унинг салоҳият ва имкониятлари янада оширилиши, коррупция ҳолатлари бўйича “дастлабки ўрганиш” — коррупцион суриштирув институтини жорий этиш, коррупцияга қарши курашишдек мураккаб жараёнларда энг олдинги сафларда бораётган оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кенгайтириш, улар таъсирини янада ошириш учун Глобал медиа форумни ўтказиш таклифлари ҳам илгари сурилди.

Айтиш жоизки, бугун коррупция шиддат билан ўзгараётган дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Сабаби бу иллат бутун инсониятга, жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузадиган ва халқнинг давлат сиёсатига ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдидга айланиб бормоқда.

Шу боис жамиятда коррупцияга нисбатан мутлақо тоқатсизлик маданиятини шакллантириш, унинг ҳар бир кўринишига қарши муросасиз курашиш барчамизнинг асосий вазифамиз саналади.

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ

Коррупция — бу мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури бўлиб, у мамлакатнинг юксалиши ва тараққий этишига жиддий тўсиқ ҳисобланади. Шу боис ушбу иллатга қарши курашиш барча давлатларда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам бу иллатга қарши курашиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми яратилди, қонунийликни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида соҳага тааллуқли 13 та, бошқа соҳалардаги ислоҳотлар натижасида коррупция омилларини қисқартиришга қаратилган 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Шунингдек, бу жараёнда коррупциянинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган превентив чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштиришга қаратилган ишлар шулар жумласидандир.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши эса давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик назоратини рўёбга чиқариш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда мамлакатимиз “Transparency International” индексида 42 поғонага кўтарилди. Бу минтақамизда энг юқори ўрин ҳисобланади. “Open Data Inventory” рейтингида эса жорий йилда 30-ўринга кўтарилган бўлса, очиқ маълумотлар манбалари бўйича Ўзбекистон дунёда 4-ўриндан жой олди. Буларнинг барчаси кейинги етти йил ичида минтақанинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг ўзгаргани, ушбу иллатга қарши жиддий курашаётгани ҳисобига юз беряпти, десак, айни ҳақиқат.

Бинобарин, Ўзбекистон 6 йил давомида етакчи халқаро ташкилотларнинг баҳо ва рейтингларида бундай жиноятларни камайтириш бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу республикада коррупцияга қарши тизимли кураш олиб борилаётганидан далолат беради.

Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний томонидан асос солинган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топшириш маросими айнан пойтахтимизда ўтказилгани янги Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашда фаол иштирокчи сифатидаги ўрнини яққол намоён қилди. Бу, ўз навбатида, Президентимиз бошчилигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган тизимли ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар натижаси ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу нуфузли маросимда иштирок этгани ва кўплаб амалий ташаббусларни илгари сургани нафақат юртимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам қизғин кутиб олинди.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегия ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилиши, унда давлат идоралари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ва ҳисобдорлигини ошириш, очиқ маълумотлар тизимини такомиллаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асослари ва институционал механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилиши амалий ташаббусларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг хорижий турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлигини кучайтириш орқали унинг салоҳият ва имкониятларини янада ошириш, энг илғор халқаро тажрибага асосланган янги механизмлар татбиқ қилиниб, жумладан, коррупция ҳолатлари бўйича “дастлабки ўрганиш” — коррупцион суриштирув институти жорий этилиши ҳақидаги таклифлари ҳам диққатга сазовордир.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг ушбу нутқи прагмативлиги, ҳаққонийлиги ва реал ҳаётийлиги билан алоҳида аҳамият касб этиб, унда илгари сурилган ташаббуслар Шавкат Мирзиёев бошчилигида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларни ўзида тўла мужассам қилгани билан дунё ҳамжамиятининг эътирофига сабаб бўлди.

Мухтасар айтганда, мазкур нуфузли тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислоҳотлар ортга қайтмаслигини англатади. Энг муҳими, янги Ўзбекистон учун ушбу масала барча даврда энг устувор вазифалардан бўлиб келгани ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолишидан далолат беради.

Иномжон ҚУДРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ ДАСТУРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ДАВОМ ЭТТИРИЛЯПТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Унда депутатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Мамлакатимиз ёшларини Венгрия давлатининг “Ҳунгарикум стипендияси” грант дастури имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда икки давлат олий таълим муассасалари алоқаларини янада фаоллаштириш тўғрисида”ги ахборотини эшитди.

Таъкидланганидек, таълим соҳасидаги икки томонлама муносабатлар истиқболли. Бугун Ўзбекистон — Венгрия ўртасида таълим, илм-фан ва инновациялар соҳаларидаги алоқалар жадаллашиб бормоқда. 2020 йилда имзоланган тегишли меморандумга кўра, Венгрия ҳукумати томонидан Ўзбекистон фуқароларига ушбу хорижий мамлакат олий таълим муассасаларида бакалавр, магистратура ва докторантура босқичларида ўқиш учун йилига жами 100 тадан таълим грантлари ажратиб келинаётган эди.

Ўтган даврда Ўзбекистон фуқаролари учун Венгрия томонидан ҳар йили ажратиб келинаётган таълим грантлари сонини кўпайтириш бўйича муайян ишлар олиб борилди. Натижада 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб таълим грантлари сони 100 тадан 170 тага кўпайди.

“Ҳунгарикум стипендияси” грант дастури ўтган қисқа даврда ўзбекистонлик ёшларнинг эътиборини тортди. Дастур доирасида Ўзбекистон ва Венгриянинг етакчи таълим муассасаларини жалб этган ҳолда қўшма таълим дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳар икки давлат университетлари орасида алоқалар шакллониб бормоқда. Ёшлар бакалавр таълим йўналишларида ва магистратура мутахассисликларида Венгрия давлатидаги таълим муассасаларида бепул сифатли таълим олмоқда.

Кейинги йилларда ушбу таълим дастури грантларига дунё бўйлаб талабгорлар сони ортиб боряпти. Мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабаларининг ҳам ушбу дастурга қизиқиши юқори. Хусусан, 2023/2024 ўқув йилида дастур асосида ажратилган 170 та ўринга 798 нафар йигит-қиз ҳужжат топширган. Ҳозирги кунда 111 нафар талаба ушбу грант асосида таҳсил олмоқда.

Шу билан бирга, маълум сабабларга кўра, турли давлатлардан келган ва ўқишини ўз муддатида якунлай олмаган стипендиатлар сони ҳам ортган. Бундай ёшларга ўқишни битириш учун имконият яратиш мақсадида, улар учун грант муддати яна бир йилга узайтирилмоқда. Бунинг ҳисобига эса Венгрия ҳукумати томонидан тасдиқланган квоталарга нисбатан ажратилган грант ўринлари камроқ бўлмоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, ҳар бир талабгорнинг ушбу таълим грантини қўлга киритиш даражаси Венгрия давлати томонидан ўтказиладиган кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишига ҳам боғлиқ. Ушбу таълим гранти дастури билан бир қаторда, ҳар йили Ўзбекистон фуқаролари Венгрия университетлари томонидан эълон қилинган грант ўринлар танловларида иштирок этиб, олий ўқув юртларига мустақил тарзда грант асосида ўқишга кириши мумкин.

Қизғин савол-жавоблар давомида депутатлар бу борада амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолаш билан бирга, Венгрия давлати билан соҳада ҳамкорликни янада ривожлантириш ва таълим грантлари дастури Ўзбекистонда янада самарали бажарилишини таъминлаш зарурлигини қайд этдилар. Шунингдек, бу бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Якунда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 21 декабрь

Премьера

«АРМОН» ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМИ ТАҚДИМОТИ

Бугун нафақат юртимиз, балки бутун дунёда жадидчилик ҳаракатини ўрганишга, унинг мазмун-моҳиятини англашга бўлган қизиқиш ортмоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида илк бор “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик” мавзуида халқаро анжуман ўтказилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

Шу маънода, “Blue White and Green Production” томонидан жадидчилик ҳаракати тарихига бағишланган “Армон” ҳужжатли фильмининг суратга олиниши хайрли ишлардан бири бўлди. Мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг етакчи жадидшунос олим ва тадқиқотчилари, таржимонлари кўмагида ишланган бу киноасарда тарихий фактлар асосида ўтган асрнинг суронли йиллари, ўша даврда фаолият юритган жадидлар ҳақида сўз юритилган. Унда Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Исҳоқхон Ибрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев сингари фидойиларнинг юртни ҳур ва озод кўриш, халқимизни маърифатли қилиш йўлидаги машаққатли ҳаёти ҳикоя қилинади.

Бухоро давлат университетида мазкур ҳужжатли фильмнинг премьераси бўлиб ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар, талабалар қатнашган тадбирда фильм ижодкорлари, жумладан, режиссёр Руслан Солиев ҳам иштирок этиб, бу киноасар премьерасининг Бухорода бўлиб ўтиши бежиз эмаслигига эътиборни қаратди. Зеро, Бухоро жадидчилик ҳаракатининг марказларидан саналади.

— Бу фильмни кўзда ёш, юракда оғриқ билан томоша қилмасликнинг иложи йўқ, — дейди тадбир меҳмонларидан бири, АҚШнинг Мичиган университети профессори Темур Хўжа ўғли. — Раҳматли отам Усмонхўжа Пўлатхўжаев ҳам шу юрт ойдинлари сафида эди. Жадидлар айнан шу кунларни кўриш орзуси билан яшаб, кураш олиб бордилар.

Фильм намойиши якунида киноасар ижодкорларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Шу йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимиз ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб, янги таҳрирдаги Конституцияни якдиллик билан қабул қилди. Асосий Қонунимизда мамлакатимиз ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатлари ҳимояси кафолатланди. Ўзбекистоннинг беш устуни — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Мушоҳада

Ҳуқуқий давлатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги учун давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулиятини кучайтиришга қаратилган нормалар мустаҳкамланди. Илк бор ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу кафолатлардан одил судловни амалга оширишда кенг фойдаланилмоқда.

Аввалги Конституцияга асос қилиб олинган “давлат — жамият — инсон” тамойили “инсон — жамият — давлат” принципига ўзгартирилди. Яъни, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш мақсад қилинганлиги нафақат ҳуқуқ ҳамда эркинликларни мустаҳкамлади, балки уларни амалга оширишнинг реал имкониятларини таъминлаш чора-тадбирларини, кафолатларини ҳам яратди.

Айни чоғда Бош қомусимизда бозор муносабатларини ривожлантириш, хусусий мулк, тадбиркорликни ҳимоялаш ва бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилганини таъминлашга қаратилган механизмлар янада мустаҳкамланди. Аслида ҳам, янги таҳрирдаги Конституциямиз нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш амалиёти нафақат судлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки тартиб-қоида билан ишлайдиган барча давлат идоралари учун мажбурийдир.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа ҳисобланади. Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносибликни таъминлаш бўйича конституциявий принципни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларидаги 150 дан ортиқ ана шундай чоралар тўлиқ қайта кўриб чиқилади.

Жумладан, айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва жазо турларини ўзгартириш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш борасида ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилади. Янги таҳрирдаги Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифалардан биридир.

Ушбу йўналишда асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Болалар омбудсмани ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилади. Барча ислоҳотларда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 31 йиллик байрами муносабати билан йўллаган табригида қайд этилганидек, сўнгги йилларда шу мақсадда 300 га яқин давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига 50 миллиондан ортиқ хизматлар кўрсатилди. Бу эса жамиятда коррупция ва таниш-билишчилик ҳолатларининг камайишига олиб келди. Шу боис фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёндаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш бўйича ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди.

Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Конституция берган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдалана олишни ўргатиш ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг бош воситасидир. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон — маърифий жамият” концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада парламент томонидан Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича миллий фаолият дастури қабул қилинган.

Асосий Қонунни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Шунинг учун давлат хизматига ишга киришда янги таҳрирдаги Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизими амалда татбиқ этилади. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилади.

Аслида, дунёда Конституция яратилишидан мақсад ҳам инсон ҳуқуқларини амалга ошириш учун кафолатларни таъминлаш, инсонни давлат, унинг мансабдор шахсларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳисобланган.

Бинобарин, 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бўйича француз декларациясида қайсики жамиятда инсон ҳуқуқлари кафолатлари, хусусан, ҳокиятлар бўлиниши таъминланмаган экан, бундай жамият Конституцияга эга бўлмайди, деб белгиланган эди. Демак, Конституцияда нима ҳимоя қилинишига қараб, мазкур давлатнинг қандай давлат эканини билиб олиш мумкин экан. Зотан, Конституция бошқа ҳужжатлардан ўзининг олий юридик кучга эгалиги, барча даражадаги органлардан устунлиги, фуқаро, жамият ва давлат олдига мақсад қўйиши билан фарқланади.

Шу боис Бош қомус барчани янада жипслаштириши, фуқаролар унда ўз орзу-умидларини, ҳуқуқ ва манфаатларини, таъбир жоиз бўлса, дарду муаммоларига ечимни кўриши керак. Бунда, айниқса, миллати, тили, динидан қатъи назар, у ёш болами, ўқувчи ёки талабами, кекса, аёл ёки ногиронлиги бор шахс, мигрант ёхуд хориждаги ватандош, ҳатто маҳкум ва судланган шахслар “Бу — менинг Конституциям!” деб баралла айта олиши шарт.

Конституция тўғридан-тўғри ишлаши, одамлар ўзининг кундалик ҳаётида, оиласида, маҳалласида унинг таъсир кучини сезиши керак. Яқин тарихимизда оддий фуқаро баъзан формали амалдорнинг олдида ўзини ҳимоя қилиши учун ҳеч қандай асосларга таяна олмаган кунлар ҳам бўлди. У кунларга бошқа умуман қайтмаслик учун ишончли конституциявий кафолатлар белгиланди.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳозирги замон руҳи, Ватанимиз олдида турган энг муҳим муаммолар ечимига қаратилган нормалар ўз ифодасини топди, десак, айни ҳақиқатдир. Инсон қадри, шаъни дахлсиз экани, ҳеч нарса уни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган эса фуқароларнинг ёруғ истиқболга ишончини янада орттирди.

Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи,
1-даражали адлия маслаҳатчиси.

«ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ» КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан “Янги йил совғалари” республика ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил этилди.

Байрам шукуҳи

Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам қилган ҳунармандчилик намуналари ҳар бир кишида ўзгача завқ ва шавқ уйғотади. Айниқса, хорижлик меҳмонларнинг миллий каштачилигимизнинг бетакрор анъаналарини ифода этган намуналар, хусусан, атлас, адрас ва бошқа қўл меҳнати буюмларига қизиқиши ниҳоятда юқори.

Бинобарин, кўргазма орқали кўп асрлик бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни дунёга намоён этиш, қолаверса, соҳани янада ривожлантириш, ҳунармандларга янги бозорларга кириб боришларига кўмаклашиш мақсад қилинган.

— Моҳир усталаримиз яратган гўзал ва бежирим маҳсулотлар, хусусан, заргарлик ва каштачилик, қўл меҳнатининг юксак намуналари билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонлар ҳам танишсин, деган ниятда ушбу кўргазма ташкил этилди, — дейди Республика “Ҳунарманд” уюшмаси раиси ўринбосари Бобур Мансуров. — Зотан, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари халқимизнинг бой қадрият ва анъаналарини дунёга кенг танитишнинг ўзига хос воситасидир. Бундай ярмаркалар гавжум ва ҳар томонлама қулай жойларда ташкиллаштириляпти.

Кўргазмадан ҳунарни санъат даражасига кўтарган йигирмадан зиёд уста-ҳунармандларнинг каштачилик, миниатюра, ранг-тасвир, нақкошлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилаётир. Янги йил байрами олдидан уюштирилган ушбу савдо-кўргазмадаги бежирим буюмлар ўзининг фусункорлиги, нақшлар жилоси билан санъат ихлосмандларининг кўзини қувнатиб, ҳамюртларимиз ва чет эллик сайёҳларни ўзига тортмоқда.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Китоб жавонингизга

«Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли»

Мазкур монография XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошида дунёдаги энг қимматбаҳо бойликка айланган инсон капитали ҳамда уни шакллантиришда таълим ва илм-фаннинг аҳамияти ҳақидадир.

Тўплам Б. Усмонов, М. Қодиров ва Ж. Элтазаров ҳаммуаллифлигида чоп этилган. Унда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган инсон капиталини ривожлантиришда узлуксиз таълим ва инновацион фан ходимлари олдида турган вазифаларни бажариш бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Монография олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига, докторант ва мустақил изланувчиларга, талабаларга ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига мўлжалланган.

«Сурур»

Сержило ҳаёт, бетакрор ва жилвакор табиат ҳар қандай кишига яшаш ва яратиш учун рағбат, сурур беради.

Шоир аҳли ҳам ўзи туғилиб ўсган замини, одамларидан куч, илҳом олиб, ҳис-туйғулари қанотида парвоз қилади. Бадиий сўз, илоҳий идрок асосида мунаввар оламини яратади. Унда кўнгил, эзгулик, ишқ ва хаёл яшайди. Одам ва олам муносабати, қалб туғёнлари, ҳаёт эврилишлари жилоланади.

Тошпўлат Ўрхуннинг “Сурур” номли китобидаги самимий ва соҳир шеърлар сеҳридан ана шуларни ҳис этасиз. Ҳаётингиздаги беғубор дамлар, ҳузурбахш кунларни эслаб, Ватан сарҳадлари ва фаслларининг атрини туясиз.

Ушбу китоб шеърсеварлар учун ажойиб туҳфа бўлди, десак, адашмаймиз.

«Ояти сабз»

Мазкур тўпламдан ўрин олган ранг-баранг шеърлар турли йилларда ёзилган бўлиб, уларда фарзанднинг Ватанга бўлган муҳаббати, ўз жигарбанди бошида парвона онаизорнинг меҳри уфуриб туради.



Юракдаги кечинмалар, пок туйғу ва самимий ҳислар рангларини жам айлаган шеър суратидаги сирли оҳангларга, шунингдек, шоир Муҳаммад Шодийнинг ҳайрат, ҳаяжон ва руҳий ҳолатига ҳассос китобхон лоқайд қарамайди.

Ушбу тўплам китоб жавонингиздан муносиб ўрин эгаллашига ишонамиз.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТЕЖАМКОРЛИК — ЯРИМ РИЗҚ

Ислом дини мусулмонларга ризқини ҳалол меҳнат қилиб топишга ва оила аҳлини нафақа билан таъминлашга тарғиб этган. Шунга биноан, ҳар бир мусулмон ўзи учун муносиб касб танлаши ва шу касби орқали ризқини истамоқлиги лозим.

Бир куни саҳобалардан бири: “Ё Расулуллоҳ! Энг ҳалол касб қайси?” деб сўради. Пайғамбар алайҳиссалом: **“Киши ўз қўл меҳнати билан қилган амали ва ҳалол савдодир”**, деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад ривояти). Бошқа бир ҳадисларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирортангиз арқонни олиб, тоғу тошдан бир боғ ўтин териб келиб, уни сотиб, шунинг пули билан кифоялансангиз одамлардан тиланиб, улар унга ё бериб ёки бермаганларидан кўра яхширокдир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Динимизда ҳалол касб қилиб оила боқиш энг катта савобли амал даражасига кўтарилган. Бу ҳақда қуйидаги ҳадисда бундай дейилган: “Каъб ибн Ужра разияллоҳу анҳу айтадилар: бир йигит Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларидан ўтди. Унинг кучини ва ғайратини кўрган саҳобалар: Ё Расулуллоҳ! Қани энди бу куч ва ғайрат Аллоҳ йўлида бўлса эди”, дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Агар у ёш болаларини деб кўчага чиққан бўлса, демак, у Аллоҳ йўлида, агар ота-онасини деб кўчага чиққан бўлса, демак, у Аллоҳ йўлида, агар у ўзининг иффатини сақлаш учун чиққан бўлса ҳам, у Аллоҳ йўлида. Аммо ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун чиққан бўлса, у ҳолда шайтон йўлида бўлади”**, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Инсонлар ризқ топиш ва касб қилиш борасида бир неча тоифага бўлинади. Масалан, бир тоифа инсонлар ризқ топиш учун касб қилиш ўрнига одамлардан тиланиб кун кўришни, тиланчиликни ўзлари учун тирикчилик манбаига айлантириб олган. Динимиз тиланчилик қилишдан қайтарган бўлиб, бу борада юқоридаги ҳадис ворид бўлган.

Бошқа бир ҳадисда айтилишича, ансорийлардан бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига тиланчилик қилиб келади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан: **“Уйингда бирор нарсанг борми?”** деб сўрадилар. У: “Ҳа, остимизга солиб ўтирадиган бўйра ва сув ичадиган хумчамиз бор”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Уларни олиб кел”**, дедилар. Олиб келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қўлларига олиб: **“Бу иккисини ким сотиб олади?”** деб сўрадилар. Бир киши: “Мен бир дирҳамга оламан”, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Ким бир дирҳамдан кўпроқ беради?”**, деб икки-уч марта такрорладилар. Бошқа бир киши: “Мен икки дирҳамга сотиб оламан”, деди. Расулуллоҳ икки дирҳамга сотиб, пулни ансорийга бердилар ва: **“Бир дирҳамига оилангга таом сотиб ол, иккинчисига эса болта сотиб олиб олдимга келгин”**, дедилар. Болтани сотиб олиб келгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ёғочдан соп ясаб бердилар ва: **“Энди бориб ўтин териб сотгин ва ўн беш кун менинг кўзимга кўринма”**, дедилар. Ўн беш кун ўтин териб, сотиб ўн дирҳам даромад қилди. Унга кийим-кечак ва таом сотиб олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **“Мана бу ишинг қиёмат куни юзингда тиланчиликнинг асаридан доғ пайдо бўлишидан кўра яхширокдир. Тиланчилик фақат уч кишига мумкин: ўта қашшоқ кишига, ночор қарздор кишига ва зиммасида товон тўлаш мажбурияти бўлган кишига”**, дедилар (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Иккинчи тоифа кишилар касб қилиш, ризқ топиш экан деб ҳалолидан ҳаромини фарқламайди. Бундай кишилар охир-оқибат бажарган ишларидан пушаймон бўлиб, ҳасрату надоматда қолишлари аниқ. Чунки ҳаромдан топилган молдан барака қочади, бундай кишиларнинг эҳсони қабул, дуоси ижобат бўлмайди. Уламолардан бирлари бундай деган: “Гарчи ибодат вақтида устундек қотиб турсанг-да, то қорнингга кираётган луқманга эътибор бермагунингча ибодатингдан фойда йўқ”.

Учинчи тоифа кишилар касб қилишда ҳалол йўлни тутади ва топаётган молу давлатларида Аллоҳнинг ҳаққини ҳам адо этади.

Инсоннинг қилаётган ҳалол касби, гарчи одамларнинг назарида ҳақир, бировлар менсимайдиган даражада бўлса-да, ўзгалардан тиланиб, бошқаларга боқиманда бўлишдан яхшироқ. Зеро, инсон ўзгаларга қарам бўлмаслик билан ўз ор-номусини асрайди. Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу айтади: **“Энг паст касбни қилиш ҳам одамлардан тиланчилик қилиб юришдан яхширокдир. Мен бир одамни кўриб, унинг кўринишига ҳавасим келса, унинг нима касб қилишини сўрайман. Шунда менга: у ишламайди, деб айтишса, назаримдан қолади”** (Имом Ибн Абдулбар ривояти).

Инсон касб қилар экан, топган молу давлатини тежаб, иқтисод қилиб сарфлашни ҳам билиши лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“**(Нафақада) **ўртача бўлган киши ҳеч ҳам камбағал бўлмайди”**, деганлар (Имом Табароний ва Имом Дорақутний ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган марфу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Иқтисод қилган кимса фақирлик кўрмас, исроф қилиш билан кўп мол ҳам қолмас”**, деганлар (Имом Абу Шайх Асбаҳоний ривояти).

Абдулмалик ибн Марвон қизи Фотимани Умар ибн Абдулазизга никоҳлаб бераётганида: “Қизимга қанча нафақа берасан?” деб сўради. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Икки гуноҳнинг ўртасидаги савобни”, деб жавоб берди ва қуйидаги оятни ўқиди: **“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар,** (тутган йўллари) **бунинг ўртасида — мўътадилдир”** (Фурқон сураси, 67-оят). Демак, барча соҳада бўлгани каби иқтисодий жабҳада ҳам мўътадилликка риоя этиш керак бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳалолдан касб қилиб, ҳаромдан ҳазарланишга, озига қаноатли бўлиб, кўпини ўзгалар билан баҳам кўришга муяссар қилсин!

Жалолиддин домла ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони масъул ходим Рзбай Садиковга падари бузруквори
ЖАНГАБАЙ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.55 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6